



Баҳорий байрамлар муборак!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

Ziyo chashmasi



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 3 (223)

2014 YIL, Mart

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN SHIQA BOSHLAGAN

Бугун биз бошимиздан кечириётган, тез ўзгариб бораётган глобаллашув замонида сизларнинг ҳеч қандай кам бўлмадан, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларида, замон талаблари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, уқан ютуқларга эришадиганимизни биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизларига йўлаган байрам табригидан.

Тантанали йиғилиш

7 март куни институтимиз маданият саройида 8 Март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири ташкил этилди. Байрам тадбирини институт ректори, профессор О. Дўсматов кириш сўзи билан очди ва ўз табрик сўзида Мухтарам Юртбошимиз томонидан мамлакатимиз аёлларига алоҳида ғамхўрлик ва эътибор қаратилаётганлигини, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда, оилалар фаровонлигини таъминлашда мухтарам аёлларимизнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, ёшларга таълим-тарбия беришда самарали меҳнат қилаётган фидойи аёл ўқитувчилар ва жамоатчи талаба қизлар номларини фахр билан тилга олди.

Тантанали байрам тадбирида «Аёл борки, олам мунаввар!» мавзусида умумий педагогика кафедраси мудири, доцент Н. Усмо-

нов маъруза қилди. Табиатшунослик ва география факультети 4-босқич талабаси, Улуғбек номли Давлат стипендияси совриндори Фаррух Ҳабиев байрам иштирокчиларини самимий қутлади. Шундан сўнг бир гуруҳ фаол аёл ўқитувчи ва талабаларга ёшларга таълим-тарбия беришдаги самарали меҳнати, жамоат ишларидаги фаоллиги ҳамда 8 Март - Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди. Мусиқа таълими йўналиши профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан тайёрланган концерт дастури барчага завқ-шавқ улашди.

Ҳаётжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

Ўлкамизда Наврўз шодиёналари



Азал-азалдан Наврўз меҳр - оқибат байрами сифатида қалбларимизга муҳрланиб қолган. Айни ана шу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимиз ўзгача чирой очиб, янгидан-янги бинолар фойдаланишга топширилади, Наврўз умумхалқ ҳашари шарофати билан чор-атроф ободонлаштирилиб, яшилликка бурканади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Воҳамиз меҳнат аҳли яшариш, яшнатиш айёми Наврўз байрамига арзигулик тўёнлар билан пешвоз чиқишди.


2014 йилнинг Наврўз айёми шаҳримиздаги «Ёшлар шаҳарчаси» ҳудудида ва янгидан сайқал топган «Форум» мажмуасида нишонланди. Сайлгоҳ бўйлаб илинган «Ассалом, Наврўзи олам!», «Байрамнингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!», «Наврўз янги кун, янги йил байрами» сингари шиорлардан қалбингиз янада қувончга тўлади.

Вилоятимиздаги барча корхоналар, ташкилот ва муассасалар, маҳаллалар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, таълим даргоҳларига алоҳида ажратилган жойларда байрам шукҳини ўзида ифода этган намойиш ва кўргазмалар байрам сайлининг маркази бўлди.

Бизнинг институтимизда ҳам ҳар бир факультетга алоҳида-алоҳида жойлар ажратилиб, байрам шодиёнлари нишонланди. Дастурхонларга сумалак, кўксомса, кўкмантилар, лочираю, ҳалимлар тортилди. Талабалардан шакланган жамоалар халқ лапарларидан куйлашди.

Орзиқиб қутилган дамлар келиб, «Форум» узра чорлов мусиқаси янгради. Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан вилоят ҳокими Сайфиддин Исмаиловга табрик сўзи берилди.

«Сиз азизларни, Сизлар орқали вилоятимиздаги барча кадрдонларни яшариш ва янгилаш, саҳоват рамзи бўлган Наврўзи олам билан самимий табриклайман», - деди вилоятимиз раҳбари таб-



рик нутқи аввалида. Шунингдек, Наврўз байрами ҳақида тўхталар экан: «Мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида азалий қадриятларимиз ва маънавиятимиз кўзгуси бўлган ушбу байрам кадр топди, мазмунан бойиди», дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Байрам тадбирлари кун бўйи шаҳримиз бўйлаб кўтаринки руҳда давом этди.

Орифжон ОДИЛОВ,
«Зиё чашмаси»нинг
махсус муҳбири.

● 2014-йил - Соғлом бола йили ●

СОҒЛОМ ОЧА, СОҒЛОМ БОЛА - ТАР АҚҚИЁТ Т АРОВИ!

Бугунги кунда жаҳондаги барча давлатларнинг куч-қудратини уларнинг иқтисодий, сиёсий-ҳарбий, техникавий, географик потенциали ва табиий ресурслар салоҳиятига кўра таснифлаш анъанага айланган. Лекин яна шундай мезон борки, у том маънода давлатнинг бутун куч-қудратини ўзида мужассам этибгина қолмай, балки юқорида санаб ўтилган мезонларнинг рўбга чиқишининг асосий кучига айланади ҳам. Сезиб турганингиздек бу - инсон омиллари. Қачонки инсон омилли тўлиқ намоён бўлар экан, демек ўз-ўзиндан барқарор тараққиёт, фаровон ҳаёт, тинчлик, бахт ҳақидаги орзулар, мақсадлар рўёби сари илдамлаб борилаверади.

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг туб моҳиятини ана шундай юксак мақсад ва ниятлар ташкил этади ҳамда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Айнан инсон омиллини, унинг салоҳиятини тўлиқ намоён этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Хўш, инсон омиллини рўбга чиқаришнинг негизини нима ташкил этади, деган савол туғилиши табиий. Албатта, бу маънан ва жисмонан соғлом авлодни шакллантиришдан бошланади. Фақат баркамол авлодгина буюк ишларга, бунёдкорлик ва яратувчанликка қодир бўлади. Шу боис, мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантиришга катта эътибор қаратилиб, бу борада тизимли давлат дастурлари, чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, «Соғлом она - соғлом бола» Давлат дастури, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиши, қолаверса, ушбу йўналишда қатор йилларга номлар берилиши негизда ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун барча имкониятларни сарфбар этиш ҳамда шарт-шароитларни яратиб бериш эзгу мақсади ётибди. Таъ-

лим, соғлиқни сақлаш тизимларида ва спорт соҳасида ёшларнинг истеъодларини рўбга чиқариш йўналишларида жуда катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш доирасида юқори самарадорлиги бутун дунёда эътироф этилган она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинлари, шу жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилгани натижасида аҳоли, авваламбор, қишлоқ жойлардаги оналар ва болаларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятлари кенгайди. Сўнги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар ўлими 3,2 баробар камайди. «Она ва бола скрининги» дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болалар туғилиши 2000 йилдан буён 1,8 марта камайди. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.


Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастурининг амалга оширилиши самаралари мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғидир. Маълумки, Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган, унинг сифати халқаро талабларга жавоб беради.

(Давоми 2-саҳифада)

Хурраматли профессор ўқитувчилар, аъён талабали ёшлар, жамоамиз ишчи-хизматчилари, ходимлари!
Сизларни ва Сиз орқали оила аъзоларингизни миллий байрамимиз Наврўз айёми ҳамда 8 Март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан самимий муборакбод этамиз.
Баҳорий байрамлар шукҳини қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Институт ректорати ва жамоат ташкилотлари

Аёл борни олам туннаввар



НАФОСАТ КУЙЧИСИ

1 март куни институт маданият саройида Ўзбек тили ва адабиёти факультети ва Мусикий таълим йўналиши ҳамкорликда «Нафосат куйчиси» деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. Тадбирни Ўзбек адабиёти ва уни ўқитиш услубияти кафедраси мудири, доцент Юлдуз Каримова очиб берди. У Зулфия шахсига тўхталар экан, «Зулфияхоним нафақат ўзбекистоннинг, балки бутун дунё халқларининг қалбидан жой ола билган беназир инсон, буюк истеъод эгаси, салон ва матонат бобидаги тенгсиз аёл эди», дея таъкидлади.

Байрам тадбири Ўзбек тили ва адабиёти факультети талабаларининг шеърхонлик чиқишлари ва Мусикий таълим йўналиши талабалари тайёрлаб келган куй ва қўшиқлар билан сермазмун ўтди. Тадбир якунида институт Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси З. Абдувалиева сўзга чиқиб, ушбу тадбирни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган барча иштирокчиларга самимий миннатдорчилик изҳор этди. Тадбир мароқли, таассуротларга бой бўлди.

Раъно САТТОРОВА,
«Зиё чашмаси»нинг
жамоатчи муҳбири.

Бу йил адабиётимизнинг энг кўзга кўринган вакилларида бири, беназир шоира, давлат ва жамоат арбоби Зулфияхоним таваллудига 99 йил тўлди. Республикаимизнинг барча нуқталарида бу кунга бағишлаб бадиий кечалар, байрам тадбирлари, шеърхонлик кечалари уюштирилмоқда.

Зулфия - замондошлари хотирасида

«Зулфияхоним шеърларида тонг тимсоли, тонг тасвири буюк эрк, буюк бахт, буюк давр, буюк ва ёруғ дунё тимсолидай жаранглаб кетганлиги ва ҳануз ўшандоқ жаранглаб турганлиги ҳеч кимга сир эмас, ҳаммаси фақат меҳнатдан, узлуксиз меҳнатдан...»

Миртемир,
Ўзбекистон халқ
шоири.

«Кўз ўнгимда Зулфия шеърлари асосида яратилган «Ўзбекистон» достони намён бўлди. Ўқийман, зеҳн соламан, яйрайман: меҳнатсевар, саховатли, туйғун ва маънавий бой халқ билан бирга унинг қизи Зулфия камол топди ва ҳануз юксалишда. Яшнаган ўлка - Ўзбекистон боғлари аро Зулфия қўшиқлари янграйди».

Эди Огнецвет,
белорус шоираси.

«Сиз нақадар истеъодлисиз, табиатдаги боқираллик, маънавий гўзаллик туйғуси сизда нақадар кўп сақланган. Сиз ўз ижодига Шарқ ва Ғарб мотивларини бирлаштира

олган, фақат ўз халқингиз адабиётининггина эмас, балки бошқа халқлар адабиётининг ҳам фазилатларини ўзида сингдирган ҳозирги замон санъаткорларидан бирисиз. Бу нарса эса ажойиб самаралар беради».

Қайсин Қулиёв,
қозоқ адиби.

«Зулфия улуг Шарқ уфқида тиниқ чақнаган илҳом юлдузидир. Унинг «Мушоира»си бонгдай янграб, жами ижод аҳлини бирликка, курашга, озодлик, тинчлик ва бахтни баралла мадҳ этишга чақиради».

Ҳамид Ғулом,
Ўзбекистон халқ
шоири.

«Мен ўз вақтида Зулфиянинг шеърларини севиб, қувонч билан таржима қилганман, зеро бу шеърлар муҳаббат, беқиёс оташин муҳаббат ҳақидаги шеърлардир».

Константин Симонов,
рус шоири, адиб,
Ўзбек адабиётининг
таржимони.

Аёл оқилаю, эр ишбилармон,
Демак, кундан-кунга обод хонадон.
Хусрав Дехлавий.

Хотин бўлса қобилу ақли расо,
Эрин шох этар, гарчи бўлса ғалло.
Саъдий Шерозий.

Аёлни сева билмаган одам, дунёнинг энг
ғўзал сирларидан беҳабар ўтади.
Стендаль.

Қиз боланинг жамики бойлиги - унинг
номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан
қимматлидир.
Уилям Шекспир.

Элга эъзоз топган аёллар



Мамлакатимизда аёлларга эътибор, эъзоз, чексиз меҳр кўрсатилаётгани аини ҳақиқат. Бу эса келгусида ёш авлодни соғлом улғайтириш ва тарбиялаш, айниқса, қизларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, барча жабҳаларда меҳнат қилаётган опа-сингилларни қўллаб-қувватлаши борасидаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Президентимиз ўтган йилнинг 19 декабр куни Сурхондарё вилояти кенгашининг сессиясида қилган маърузаларида «Оила қачон бахтли бўлади, қачонки аёл бахтли бўлса. Аёл бор экан, бу ҳаёт бор, турмушимизда файзу барака бор. Аёлларга хурмат-эътибор кўрсатиш, уларни эъзозлаш, аввало, биз - эркекларнинг, бутун жамиятимизнинг эъзу вазифасидир», дея таъкидладилар.

Бизнинг институтда ҳам ҳалол меҳнат қилган, фидойи инсонлар доимо қадрланади. Норбия опа Юсупова ҳамда Зайнаб опа Маматқуловалар ана шундай жамоада ўз ўрнига эга, соҳанинг жонқуяр мутахассисларидандир. Улар хорижий тиллар факультетида кўп йиллар давомида сиққидилдан меҳнат қилиб келдилар.

Норбия опа Юсупова меҳнат фаолиятини 1971 йилда Булунғур тумани 19-мактабда



инглиз тили фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1994 йили институтда факультетлараро чет тиллар кафедраси ўқитувчиси, 1995-1996 йилларда Инглиз тили кафедраси ўқитувчиси, 1996-1998 йилларда Инглиз лексикаси ва услубияти кафедраси катта ўқитувчиси ва 2009 йилдан буён Хорижий тилларни ўқитиш услубияти кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Зайнаб опа Маматқулова меҳнат фаолиятини 1975 йилда Фарғона вилояти, Учкўприк туманидаги 1-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1980-2005 йилларда Жиззах Давлат педагогика институтида инглиз тили грамматикаси ва фонетикаси кафедраси ўқитувчиси, 2006 йилдан ҳозирга қадар Инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси лавозимларида меҳнат қилиб келмоқда.

З. Маматқулова 1989 йилда «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим аълочилиси» кўкрак нишонини ва бир нечта фахрий ёрликлар билан тақдирланган, 40 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифидир.

Турсуной РАВШАНОВА,
Хорижий тиллар факультети
Хотин-қизлар кўмитаси раиси.

СОҒЛОМ ОЧА, СОҒЛОМ БОЛА - ТАР АҚҚИЁТ ТАРОВИ!

(Боши 1-саҳифада)

2004 йилдан буён умумтаълим мактабларини қуриш, моддий-техник базасини яхшилаш ва жиҳозлаш учун жами 2,8 триллион сўмдан ортиқ, болалар мусиқа ва санъат мактабларига 2009 йилдан буён 488 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг ажралмас таркибий қисмига айланган. Уни болалар ва ўсмирлар, айниқса, қизлар ўртасида оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш бўйича негиз тизим яратилди. Нафақат шаҳарларда, балки энг олис туманларда ҳам замонавий спорт комплекслари барпо этилди. 2013-2014 йилларда 1816 спорт объекти ишга туширилди, бу болаларнинг оммавий тарзда спорт билан мунтазам шуғулланишига ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда икки миллионга яқин бола, шу жумладан, 842 минг нафар қизлар 30 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, қўлга киритилаётган ютуқлар билан ҳақли равишда гурурлансак арзийди. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бундай марраларга

эришган давлатлар бармоқ билан санарли ва ҳатто энг ривожланган давлатларда ҳам бундай кенг миқёсли ислохотларга камдан-кам дуч келасиз.

Шу маънода, Мухтарам Президентимиз томонидан 2014 йилга «Соғлом бола йили» деб ном берилиши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши олийжаноб ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди, десак хато қилмаган бўлаемиз. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган чоратадбирлар, аввало, мана шу йўналишдаги ишларни янада юқори даражага кўтаришни назарда тутди. Дастурда, аввало, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, мустақил фикрлай оладиган, юксак интеллектуал салоҳиятли, чуқур билимли ва замонавий дунёқарашга эга, мамлакат тақдирини ва келажагини унун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ва имкониятларини ана шу мақсадларга сафарбар этишга доир кенг миқёсли чоратадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, 2014 йил ноябрь ойида Тошкентда «Бола учун ижтимоий шерик-

лик: миллий ва хорижий илғор тажриба» мавзусида халқаро форум ўтказилиши режалаштирилган.

Шу маънода, аҳоли орасида мазкур дастурда кўзда тутилган мақсад ва вазифалар мазмун-моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим ишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, бунда зиёлилар зиммасига катта вазифалар юкланади. Хусусан, 26 февраль куни Жиззах Давлат педагогика институти тарих факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида «Соғлом оила ва соғлом бола» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Институтнинг ижтимоий фанлар кафедраси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирдан қўзланган мақсад мазкур дастурнинг мазмунини илмий-амалий жиҳатдан асослаб бериш ва бу борада тегишли тарзда таклифларни ишлаб чиқиш бўлиб, соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Тадбирни институт илмий ишлар проректори Марат Султонов очиб берди ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури мазмун-моҳияти, мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш борасида

олиб борилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида атрофлича гапириб ўтди. Шунингдек, тадбирда иштирокчилар соғлом авлодни вояга етказишнинг турли масалалари бўйича маъруза қилдилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Б. Мамажонов соғлом она-соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишини ташкил этиши ва бунда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, қабул қилинаётган қонунлар мазмунини ҳақида, Жиззах шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Н. Мухторова соғлом авлодни тарбиялашда ижтимоий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида, фалсафа фанлари доктори, профессор Б. Очилова соғлом авлодни шакллантиришда оналар тиббий маданиятининг ўрни, репродуктив саломатлиқнинг аҳамияти ҳақида, РШТЁИМ Жиззах филиали мутахассиси Г. Тўраева аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом оилани шакллантириш муаммолари ҳақида, психология кафедраси ўқитувчиси Ш. Камолова оиладаги психологик, маънавий-ахлоқий муҳит ва унинг қиз бола тарбиясига таъсири тўғрисида маъруза қилдилар ва бу борада жойларда, таълим муассасаларида, талаба-ўқувчилар ўртасида дастур мақсадидан келиб чиққан ҳолда турли тадбирлар, илмий-амалий семинарлар ўтказиб бориш лозимлиги тўғрисида бир қатор таклифлар илгари сурилди. Айтиш жоизки, мазкур тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди ва баҳс-мунозараларга бой бўлди, кўтарилган масалалар бўйича тегишли хулосалар чиқарилди.

Санжар АБДУРАҲМОНОВ,
Ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси.

8 Март - Халқаро хотин-қизлар кун!

Аёл - ҳаётнинг энг нодир неъматидир, аёл - инсоният бешигини тебратувчи она, мард, жасур, оқила фарзандларни тарбияловчи муқаддас зот. Аёл - Яратганнинг буюк кашфиёти, қалби гулдан нозик, туйғулари ипакдек мулоим.

Бу ажиб хилқатнинг яйраб, қувониб яшамоғи ҳаммамизнинг бахтимиз. Одоб, андиша, ҳаё, ибод, гурури каби фазилатлар қалбида мужассам бўлган аёллар

Муҳтарам Юртбошимиз И. Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ. Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилган «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш боросидаги қўшимча

ЕТАҚЧИ КУЧ

қадимдан дунёга улуг алломаларни ҳаё эгитдилар.

Гўзал ва оқила аёлларимиз ўзларининг сабр-қаноати, ақл-идроки, барчага бўлган ғамхўрлиги, меҳрибонлиги билан ҳар бир оила, ҳар қайси маҳалла ва шунингдек, юртимизда аҳиллик, самимийлик, меҳр-оқибат, поклик муҳитини янада мустаҳкамлашга, юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётганликлари таҳсинга лойиқдир.

Институтимизда ҳам ана шундай мақтовларга лойиқ жуда кўплаб опа-сингиллар сидқидилдан меҳнат қилишади. Улар фарзанд тарбиялашдек масъулиятли вазифани ундаб, эркаклар билан бир қаторда фидоийларча ишлаб келмоқдалар. Институтда 20та таълим йўналиши бўйича бўладиган ишларида фаоллик кўрсатиш билан бир қаторда институтнинг илмий салоҳиятини юқори даражага кўтаришда катта улуш қўшмоқдалар. Бундай олимпиадалар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, Ф. Аҳмедшина, Б. Очилова, З. Пардаева, Р. Нурқуллова, Ю. Каримова, Д. Хожиметова, З. Юнусова, Д. Имомова, Г. Жуманазарова, И. Тўрақуллова, Д. Каримоваларни бунга мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда институтимизда иқтидорли, аълочи, зукко, одоб-ахлоқи билан бошқа талабаларга ўрнак бўладиган жамоатчи талаба-қизларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бунга Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси И. Матмуродова, «Ниҳол» мукофоти соҳибаси З. Мамарасулзода, Жисмоний маданият ва спорт факультети талабаси Ш. Сўпихонова, «Юрт келажаги» Республика танлови ғолибалари А. Аҳмадова, М. Исмоилова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти Республика босқичи иштирокчиси М. Нормуродова, «Китобхонлар байрами» Республика босқичи ғолибалари З. Убайдуллаева, Ф. Сатторова каби талабаларимизни мисол қилиб келтириш мумкин.

чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шариит яратиш боросидаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб келмоқда. Институт Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилот томонидан факультетлардаги хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотлари раислари ўртасида, қирқ ёшгача бўлган олимпиада профессор-ўқитувчилар ўртасида («Илм юлдузлари») кўрик-танловлар ўтказилди. «Ораста қизлар», «Зулфияхоним қизлари» каби клублар, бичиш-тикиш, моҳир қўллар, қандолатчилик, зардўзлик, пазандачилик каби тўғрақлар фаолият кўрсатмоқда. 8 Март ва Наврўз байрамлари арафасида профессор-ўқитувчи аёллар, талаба-қизлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Анъанавий равишда ҳар йили талаба-қизлар ўртасида «Баҳор маликаси» кўрик-танлови ўтказилади.

Баҳор тимсоли, табиат гўзаллиги, унинг бор сеҳри, жозибаси аёл мисолида намоён бўлади. Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан чинакам мўъжизадир. Юртимиздаги барча онахонларимизни, ибодли опа-сингилларимизни, латофатли талаба-қизларимизни, азиз аёл устозларни 8 Март-Халқаро хотин-қизлар байрами билан муборакбод этамиз. Меҳри дарё устоз ва мураббийлар, сизларнинг жамият келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаш йўлидаги шарафли ва машаққатли ишларингизга улкан муваффақиятлар, ўзингизга соғлиқ, оилангизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барока тилаймиз.

Зиёда АБДУВАЛИЕВА,
Институт Хотин-қизлар кўмитаси
бошланғич ташкилоти раиси,
Халқ таълими аълочиси.

Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров 75 ёшга!

Шогирдларга Жонқуяр устоз



Марат Зокиров 1939 йил 21 мартда Жиззах тумани А. Навоий ҚФЙ ҳудудида зиёли оилада дунёга келди. У 1956 йилда Жиззах туманидаги 8-сон мактабни «Олтин медал» билан тугатди. 1961 йилда Самарқанд Давлат университетига физика мутахассислиги, 1981 йилда Самарқанд Қишлоқ хўжалиги институтига олим-агроном мутахассислигини олди.

У талабалик даврида олийгоҳнинг «Ўзбек университет» кўп тиражли газетасида фотомухбир бўлиб ишлади ва вилоятда чиқаётган газеталарда мақолалар ва фотоларлар чиқариб турди.

Марат Зокиров 1961-1975 йиллари Жиззах туманидаги 16-сон Ҳамид Олимжон номи ўрта мактабда физика ва математикадан дарс берди. Мактабда ишлаган пайтида физика кабинетини жиҳозлаш ва ўқиш самарадорлигини ошириш бўйича салмоқли ишларни амалга оширди. Туманда биринчи бўлиб «Техника воситалари» хонасини ташкил этди.

Марат Зокиров 1975 йилда партия ишига ўтказилди ва 1978 йилгача Жиззах чўлида биринчи бўлиб очилган (ҳозирги Пахтакор туманидаги «Навбахор») Дав-

лат хўжалигида бошланғич партия ташкилоти котиби бўлиб ишлади. Жиззах чўлида янги ташкил этилган хўжалик иш тажрибаларини Республика телевидениеси ортиққа олди ва узлуксиз кўрсатувлар намойиш этилди.

Ҳисобот-сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қилган ишлари республика раҳбари Шароф Рашидов назарига тушди ва «Муҳим давр бўсағасида» сарлавҳаси билан республика марказий газетасида чоп этилди ва республика бўйича омма-лаштирилди.

М. Зокиров 1978 йилда Жиззах тумани партия комитетининг котиби этиб тайинланди. Бу даврда туманда мактаблар қурилишига, мактабларда чет тилларини ўғитишига алоҳида эътибор берди.

У 1984 йилдан 1999 йилгача Жиззах туманидаги Зокиров Норматов номи 36-сон умумтаълим мактабда директор лавозимида ишлади. Бу даврда мактабда оила ва мактаб ҳамкорлиги яхшиланиб, республикада ягона бўлган пулть билан бошқариладиган физика кабинетини яратилди. Мактабда рус тилида ўқитиладиган синфлар ташкил қилди. Мактаб 1989 йилда ўтказилган «Йил мактаби» танловининг республика босқичида 3-ўринни эгаллади ва мактаб республикада намуна-таянч мактабига айлантилди.

Марат Зокиров бу хизматлари учун 1990 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони сазовор бўлди. У 1995 йилда «Иқтидорли болалар» лицейига директорлик лавозимига ўтказилди. Бу даврда вилоят бўйича иқтидорли болалар танлаб олиниб,

уларга таълим ва тарбия берилар эди. Кейинчалик бу лицей Академик лицейга айлантилди.

Академик лицейнинг етти нафар ўқувчилари - Сайёра Муродова, Дилфуза Ражабова, Гулрух Мухторова, Дилфуза Маҳкамова, Маъмура Ёқубова, Юлдуз Зоирова ва Бахтижон Исроиловалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдilar. Соҳиба Қўлдошева ва Маъмура Ёқубовалар «Келажак овози» республика танловида ғолиб деб топилди.

Таълим соҳасини ривожлантиришдаги меҳнатлари учун Марат Зокиров 2002 йилда «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони билан мукофотланди.

Мустақиллик йилларида «Барҳаёт сиймолар», «Устоз отангдек улуг», «Отам», «Инсон хотираси азиз», «Маърифий сабоқлар», ёзувчи Туроб Мақсуд билан ҳамкорликда «Юракка қасида» ва «Муаллим ишқи» номли китоблар, Республика таълим маркази билан биргаликда кўплаб илмий-услубий қўланмалар яратди.

Марат Зокиров умр йўлоши Мўғтабар она билан 1959 йилда турмуш қуришди ва жамиятимизга 5 ўғил, 5 қизни тарбиялаб вояга етказишди, уларнинг барчаси бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Улар ҳозирги кунда 40 нафар набира ва 45 нафар эвара қуршовидалар.

Муборак етмиш беш ёшини қаршилайётган Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокировга ҳамда Мўғтабар онага мустаҳкам соғлиқ, саломатлик ва узоқ умр, фаровон ҳаёт ва бахт - саодат тилаймиз.

Ўринбой АБДУЛЛАЕВ,
Олий математика
кафедраси доценти.

Учрашув

МИЛЛИЙ ТЕАТР 100 ЁШДА

4 март кунин институтимиз маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 22 январдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги П-2114 - сонли Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбек Миллий академик драма театрининг актёрлари - Ўзбекистон Халқ артистлари Ёдгор Саъдиев ва Ёқуб Аҳмедовлар билан талабаларнинг ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув давомида актёрлар Ўзбек Миллий академик драма театри тарихи ҳақида, ўзларининг ижодий ва ҳаётий фаолиятлари тўғрисида гапириб бердилар. Тадбир давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволлари юзасидан актёрларга мурожаат қилишди. Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев Миллий театр тарихига тўхтаб экан, уни 1914 йилда Абдулла Авлоний бошчилигидаги ўз даврининг етук зиёлилари: Маннон Унгул, Ғоли Юнус, Абдулла Кодирий, Чўпон каби алломаларимиз томонидан ташкил қилинганлигини айтиб ўтди.

Учрашув якунида Ёдгор Саъдиев ўзининг ёшларга аталган куй ва қўшиқлари билан иштирокчиларни ҳушнуд этди.

Фазлидин БАХРАМОВ,
Ўзбек тили ва адабиёти
йўналиши талабаси.

“Зиё чашмаси”га
ижодий мактуб

Шеърят гўзал ҳиссиётларнинг тараннумидир. Унинг марказида - инсон, инсоннинг ўзига хос олами жилва кўрсатади. Буюк мутафаккир Абулқосим Фирдавсий таъкидлаганидек:

Занжирнинг охири халқаси инсон,
У - қалит, бандларни очади осон.
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,
Бутун тилсиз олам фармонига зор.

Инсоннинг ақли, тафаккури, дунёқараши шу қадар кенг ва мураккабки, уни англаш, талқин этиш охири йўқ сарҳаддир. Инсон руҳий оламининг ифодаси шеърятда лирик кечинма тарзида намоён бўлади. Лирик кечинманинг ифодасида бир неча воситалар (пейзаж, поэтик образ, оҳанг) иштирок этади. Улар биргаликда лирик кечинманинг умумий кўринишини ҳосил қилади. Хусусан, лирик кечинма ифодасида поэтик образларнинг қўлланиши ҳам муҳим ўрин тутатади.

Биз севган серқирра ижодкор, Хосият Рустамовнинг шеърларида кўп қўлланган поэтик образлардан бири дарахт тимсолидир. Асосан, Хосият Рустамова дарахт тимсоли орқали инсон қиёфасини чиқишга интилиб, дарахтаги матонат, ерни ҳис қила олиш хусусиятларини инсонларда кўришга ҳа-

ДАРАХТ ПОЭТИК ОБРАЗИНИНГ ЛИРИК КЕЧИНМА ИФОДАСИДАГИ ЎРНИ

ракат қилган. Хусусан, унинг ку-йидаги «Дарахт» номли шеърда дарахт хасири орқали инсон характери яратилган:

Хаёллари паршон,
Мангалайда совуқ те.
Унга қизқмас осмон -
Қизқтирмас она ер.

Дарди бор инсоннинг ҳамма нарсига бепарқ бўлиши, ҳаёллари тўзгиган ҳазондек сочи-либ ётиши сир эмас. Юқоридаги тўртлик орқали муаллиф инсон руҳиятини дарахт тимсолида бермоқда. Ёки «Кечягина экилган дарахт» дея бошланувчи шеър мисраларида лирик қаҳрамон сифатида ҳали ҳаётга энди қадам қўйган, тажрибасиз, гўр бола танланган.

У «навқирон», «хушбахт», «қиш ва куз»ни билмайди. Худди энди экилган дарахт қиш фасли ўтмагунча улғаймаганидек катта ҳаётга энди қадам қўйган бола ҳам «қишлар», яъни синонвларсиз катта бўла олмайди:

Жароҳат йўқ бирор жойида,
Қушлар ҳали келиб қўнмаган.
Мисралардан кўринадики,
шоир бир вақтнинг ўзида ҳам дарахт ва инсонни таққосла-япти, ҳамда муқаррар ҳаёт синонвлари ҳақида фикр юрит-япти. Бу фикрлари қари ва ёш дарахт тимсолида мужассамлашган. Қуйидаги шеърда эса дарахт поэтик образи орзу-умидли инсон қиёфасини яратишда қўлланган:

Қушларни кута-кута,
Қуш тўрт бўлган дарахт -
Ер билан битта бўлди...

Афсуски, истақларимиз ўзгаларнинг хоҳиш-иродасига ҳам мутаносиб бўлиши лозим:

Ҳеч нарсадан беҳабар,
Келди қушлар... учдилар -
Бошқа дарахтлар томон.

Инсондаги бундай руҳий эврилишларнинг ифодасида дарахт ва қуш поэтик образлари ката роль ўйнаган.

Орзу-умид инсонни бу дунёда ушлаб турувчи, синонвларга бардош берувчи кучдир. Қуйидаги мисраларда шоира рамзийлик асосида бу ҳолатнинг талқинини акс эттирган:

Дарахтларнинг ҳаммаси,
Қушлар учун экилган.

Яъни инсон - умид билан яшайди. Юқоридаги мисраларда акс эттирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, демак инсон руҳиятининг манзараларини уни қуршаб турган макон ва замонга муносабатини, кайфиятини турли поэтик образлар, хусусан, дарахт поэтик образи орқали ҳам тасвирлаш мумкин экан. Бу усулда самарали ижод этаётган шоира Х. Рустамова инсон ҳаёти ҳақидаги тасавурларини ушбу поэтик образ воситасида гўзал ва таъсирчан қилиб ифодалай олган.

Гулноза БОБОБЕКОВА,
Гулистон Давлат университети
филология факультети талабаси.

Наврўз мушоираси

СИНГИЛЛАРНИ АСРАНГ, ОПАЛАР

Синглингиз кўёш бўлсин, ой бўлсин,
Гўзал юзи гул бўлсин, чирой бўлсин,
Ҳаётда энг яқин сирдоши бўлинг,
Сингилларни асранг, опалар!

Сизга яқин сирдош бўлсин сингиллар,
Йўлингизга йўлдош бўлсин сингиллар,
Оғир кунда ёндош бўлсин сингиллар,
Сингилларни асранг, опалар!

ВАҚТ

Урмимиз ўтмоқда оқар сув каби,
Ҳеч қачон орқага оқмайди дарё.
Худди шу дарёдек умр ўткинчи,
Инсоннинг ташвиши тутамас гўё.

Янглиш **ЛАПАСОВА,**
Жиззах шаҳридаги
21-умумтаълим мактабининг
9-синф ўқувчиси.

ОНАМГА

Она, бугун олисдаман,
Билимдоқда қадрингиз.
Мингбир меҳрибонларимдан,
Ўрни бўлак меҳрингиз.

Мудом болам бўлсин омон -
Дея ўзин аямай,
Баъзан эса қилиб шўхлик,
Оқшом келсак ухламай.

Ҳамма она шундай асли,
Авайлайди боласин.
Ажаб нега инсон насли,
Авайламас онасин?

Эҳ ёронлар, биродарлар!
Қўлни-қўлга берайлик.
Келинг ўзимиз учун ҳам,
Оналарни асрайлик.

Исломжон
АБДУСАЛОМОВ.

АЁЛ АЛЛА АЙТАДИ

Ёстигидан эриниб бош кўтарганда
куёш,
Бир пиёла чой ичиб, эри ишга
кетганда,
Бешик узра эгилиб, кўзда қувончли
кўзёш,
Аёл алла айтади...
Кўёш келиб тиккага, нур тараб
иссиқ-иссиқ,
Кунлари яхши ният, орзу ила ўтганда,
Шириним деб эркалаб, чин дилдан
куйлаб қўшиқ,
Аёл алла айтади...

Кўкдаги кўёш ўрнин эгаллайди
тўлин ой,
Тўр халтада рўзғори, ота ишдан
қайтганда,
Бешикка қўйиб бошин, бўлсин дея
чоққир той,
Аёл алла айтади...
Бешик тебранса гўё тебраниб кетар
дунё,
Бешикда улғаймоқда орзу, умид,
истиқбол!
Толеин кам қилма деб, қилганича
тавалло,
Аёл алла айтади...!

Раҳима **ҒОФУРОВА,**
Меҳнат таълими
йўналиши талабаси.

БАҲОР СОҒИНЧИ

Қишсиз яшаш мушкул, биламан,
Уни интиқ бўлиб кутаман.
Қорбобога термулиб бугун,
Баҳоройни соғиниб кетдим.

Кимга ёқар қорбўрон ўйнаш,
Кимларгадир қорбобо яшаш,
Кимга қандай завқланиб яшаш,
Мен баҳорни соғиниб кетдим.

Фақат хафа бўлмасин қорлар,
Дилига етмасин озорлар,
Аслида тенг қишу баҳорлар,
Лек, баҳорни соғиниб кетдим.

Феруза **ҚОБУЛОВА,**
Зарбдор туманидаги
3-умумтаълим мактаби,
7-синф ўқувчиси.

ТОПИШМОҚЛАР

Гар бурасанг қулоғидан,
Хабар берар дунёдан.
(Радио)

Тонгда келар бир меҳмон,
Тунда келар минг меҳмон.
(Кўёш ва юлдузлар)

Пак пакана бўй-басти,
Қип-қизиллар нимчаси.
Унинг жойи таом-у,
Салатларнинг сараси.
(Помидор)

Лола **МИРЗААҲМАДОВА,**
Жиззах шаҳридаги
21-умумтаълим мактабининг
8-синф ўқувчиси.

Ўқинг, қизиқ!

Кўкдам нафаси уфуриб, турфа чечаклар
ўз тароватини кўз-кўз қила бошлаган маҳал
халқимизнинг азалий байрами - Наврўз
яқинлашаётганидан нишона. Наврўз байра-

Ҳиндистонда

ми халқимизнинг турмуш тарзи, миллий
руҳи, халқ санъатининг энг ажойиб шакл-
лари ва турлари ҳамда турли мусобақалари
билан эътиборни ўзига жалб этади. Бу бай-
рам халқнинг маънавий турмушини бойи-
тишга ва халқнинг гўзал анъаналарини
сақлашга қаратилган. Наврўз байрами
нафақат Ўзбекистонда, балки кўпгина Шарқ
мамлакатларида ҳам кенг нишонланади. Би-
нобарин, кўп миллатли ҳинд халқлари дун-
ёдаги барча халқлар сингари табиатнинг ян-
гиланиши билан боғлиқ бир қанча байрам-
ларни, жумладан наврўзни ҳам хар йили
катта шодона билан нишонлайдилар.
Ҳиндистонликларнинг Наврўзга ўхша-
ган, баҳор ойида нишонлайдиган бир қанча
байрамлари бор. Бу байрамлар «Дивали»,
«Холи», «Дашера» каби байрамлардир. Шу
жумладан Дивали байрами мазмун моҳия-
ти, келиб чиқиш тарихи жиҳатдан Наврўз
байрамига ўхшаб кетади.
Бу байрам билан боғлиқ баъзи урф ода-
тлар ҳам ўхшаш. Анъанага кўра байрам кун-
лари ҳиндлар лаззатли миллий таомлар тай-
ёрлашар ва миллий ўйинлар ўйнашар экан.
Бу байрамда хар бир хонадон янги уй рўз-
ғор буюмлари, кийим-кечақлар харид
қилишади. Шундай қилинса кишига омад
ва бойлик ёр бўлади деб ишонишади.



ЙИЛ БАЁНИ

Қадимги вақтларда
кўпчилик халқлар 21
мартни йил боши ҳи-
соблаб, шу кунни бай-
рам қилишган. Шарқ
халқларининг барчаси,
шунингдек, Италия,
Англия, Россия халқ-
лари ҳам янги йилни
мартда кутиб олишган.
21 март мучал йили ва
ун икки бурж ҳисоби
бўйича Хутнинг, бино-
барин йилнинг охири кун
бўлган. 22 мартдан
янги йилнинг биринчи
ойи - Ҳамал бошланган.

21 мартда кўёш нури экваторга тик туша-
ди. Шу кунни ер шарининг ҳамма жойида
тун билан кун тенг бўлади. Бунга кеча-кундуз
бараварлиги дейилади.

21 мартда шимолий ярим шарга кўёш ну-
ри кўпроқ туша бошлайди. Табиат, бутун
борлиқ жонланади. Деҳқончиликда долзарб
кунлар бошланади. Қадим замонларда янги
йилнинг мартда кутиб олинганлигининг
бойси ҳам шу эди.

Янги йилни 1 январда байрам қилишни
дастлаб римликлар бошлаган. Кейинчалик
бошқа Европа ва Осиё мамлакатлари ҳам
янги йилни шу вақтда нишонлайдиган бў-
лишган.

Шунингдек, қадимдан об-ҳавонинг қан-
дай бўлиши одамларни қизиқтириб келади.
Бинобарин, асрлар давомида қилинган куза-
тишлар натижасида қуйидаги қизиқарли
худосаларга келинган:

Эмгир томчисидан сувда пуфакчалар ҳо-
сил бўлиши ёгингарчиликнинг анча давом

Дивали байрамида одат бўйича ака-ука-
лар, опа сингиллар дийдор кўришадилар.
Бу байрамнинг муҳим хусусиятларидан
бири шундаки, дўст-душман, ёвлашган,
аразлашган кишилар бир-бирлари билан
ярашадилар.

Ҳинд халқлари орасида
Дивали байрами билан
боғлиқ бўлган бир қанча
ривоятлар мавжуд.

Наврўз

Масалан қадим замонда Ҳиндистонни Ба-
лий деган подшо бошқарар экан. У бошқа-
раётган мамлакатда адолат, бахтиёрлик,
тинчлик ҳукм сувар экан.

Подшо Балиининг бундай иш юритиши-
га ҳаттоки Вишну худоси ҳасад утида кўйиб,
подшо Балиини тахдан туширади. Ҳинд
халқлари Дивали кунларида афеонавий
Балийга бўлган ҳурматни бажо келтириш
мақсадида хонадонлари тўрига подшо Ба-
лийнинг ҳайкаласини кўйиб, унга сажда
қиладилар. Унинг шарафига қурбонлик қи-
линади, подшо Балийга бағишланган ашу-
лалар айтади, рақслар ижро этилади.

Дивали байрами аёллар ва болаларга ўзга-
ча қувонч бағишлайди. Болалар ўз ўйинла-
ри ҳамда кулгулари билан қувонч бағиш-
лаша аёллар эса ўз хонадонларини ўзгача
дид билан безайдилар. Хуллас, Ҳиндистон-
ликлар бу байрамни ўзгача шодона билан
нишонлайдилар.

Дилдора **МИРАЗИМОВА,**
Муסיқий таълим
йўналиши талабаси

этишини билдиради.
Шиддат билан еққан
йирик эмгир эса тез-да
тўхтади, шивирлаб
еққан эмгир узоқ
давом этади. Камалак
азалдан ҳаво юришиб
қетиши белгисидир.
Йўнгиқча гули, қоқи-
гул юмилса ҳаво айна-
ди, гуллар одатдагидан
кўра кўпроқ ҳид
таратса эмгир ёғиши
кузатилади. Шунингдек,
асаларилар учиб
кетмай, ўз инида
ғувиллашиб турса ҳам
ҳаво айнаиб, эмгир
ёғишидан далолат.

Баҳор пайтида эмгир олдида
от ётиб олади. Товуқлар
эмгирдан ўзини олиб
қочмаса, эмгир узоқ
давом этади. Товуқлар
баландроқ жойга чиқиб,
патларини тозаласа,
эмгир ёғиши кузатилади.
Қалдирғоч ер бағирлаб
учса эмгир ёғиши,
аксинча баландроқ
учса ҳаво очиқ бўлади.
Зағчалар тўдалашиб
учса ёки қарға хурпайиб
олса эмгир ёғишидан
дарак беради. Балиқ
сув бетига сапчиб чиқа-
верса, чувалчанглар
ер юзасига чиқса ҳаво
айниб, эмгир ёғиши
мумкин. Ургимчак ўз
инининг ўртасида
қимир этмай туриши
ҳаво айнаиши ва эмгир
ёғиши аломатидир.

БАҲОР ЭЛЧИСИ

Баҳор келди. Дарахтлар яшил
либосга бурқанди, гуллари
кийгос очилди. Уларнинг
ҳидларидан тўйиб-тўйиб
нафас олдим. Мен ўз
дардимга малҳам топгандек
эдим...

Бойчечак илк баҳор даракчиси-
дир. Шунинг учун ҳам Шарқ
халқлари бу гулнинг
очишлигини кўкдам нишонаси
деб билишган. Баҳорда
туғилган қизларнинг кўпчи-
лигини бойчечак деб аташган.
Бундан ташқари бойчечак
ҳақида мавсум кўшиғи ҳам
бор. Бу жуда қадимий урф-
одатлар билан боғланган.
Эрта баҳорда болалар тў-
да-тўда бўлиб, қир-адирлардан
бойчечак қидиришган. Ким
биринчи бўлиб топса, у
бахтли ҳисобланган. Топиб
олган бойчечакларини
бекитиб олиб ҳовлима-ҳовли
юриб қўшиқ айтишган. Бойчечак
ҳақидаги қўшиқни эшитган
одамлар шодликка тў-
лишган. Айниқса, беморлар
бу қўшиқни жон-дилидан
севишган ва эшитганлар.
Улар баҳор келганини
билиб, уларини энгил ҳис
қилганлар.

Бойчечак катта қўшиқ бўлиб,
унинг турли мавзуларга
аталган байтлари бор. Бу
қўшиқни ҳамма ҳам айтавер-
майди. Ҳар бир жойда
«Бойчечак» қўшиғини ижро
этадиган махсус одамлар
бор. Улар қўшиқни «Ёр-ёр»,
«Улан» усулида айти-
шади.

Бойчечак чиқибди бугун
Наврўз экан,
Ҳамма бир - бирига
жигар сўз экан.
Олам ҳам баробар
кеча-кундуз экан,
Бойчечак чиқибди
бугун Наврўз экан...

Нилуфар **АЛЛАМУРОВА,**
Институт магистранти.

Ziyo chashmasi

МУАССИС:
Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Тахририятга келган хатлар
таҳлил этилмайди ва
муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2006 йил
26 декабрда 06-017 рақами билан
рўйхатга олинган.
Босишга топширилган
вақти - 19.00
Топширилди - 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил:
Ш. Рашидов
шоҳ кўчаси,
Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика
институтини.

Gazeta «Jizzax haqiqati»
«Djizakskaya pravda»
gazetalari tahririyatining
ishlab chiqarish
bo'limida bosildi.

Офсет усулида 6700 нусхада босилди.
Буюртма № Shaki-A-3.